
ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДА ЙИРИК ТЕКСТИЛ КОРХОНАСИ ВА ЙИЛЛИК ҚУВВАТИ 550 МИНГ ТОННА БЎЛГАН ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Ўзбекистон тумани Бозор Яйпан МФЙда “Bulut textile” МЧЖ томонидан тикувчилик цехи, маиший хизмат ва савдо шаҳобчаларини ташкил этиш лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Тадбиркорнинг 5 млн. АҚШ долларидан зиёд ўз маблағи эвазига амалга оширилаётган қурилишлар якунлангач 130 нафардан зиёд янги иш ўринлари яратилиши, шунингдек, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари хорижга экспорт қилиниши айтиб ўтилди.

Кейинги манзилда Кичик тағоб МФЙ ҳудудида “Shaffof Sement sanoat” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган цемент ишлаб чиқариш заводи лойиҳаси қурилиш ишлари кўздан кечирилди. Ушбу лойиҳанинг қиймати 25 млн. АҚШ доллари бўлиб, ташаббускор маблағи, банк кредити, хорижий инвестиция ҳисобига йиллик 550 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Лойиҳа 2022 йилнинг 2-чорагида ишга туширилиб, 310 нафар янги иш ўринлари яратилади.

Вилоят раҳбари шу ерда туман секторлари раҳбарлари билан саноат зоналарида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам суҳбатлашди. Ишлар жадал олиб борилмаётганлигини танқид қилиб, йўл қўйилган камчиликларни тезда тузатиш зарурлигини, лойиҳаларни амалга ошириб, иш ўринларини яратиш кераклигини уқтирди.